Через систему OPENINFO.UZ подтверждено с использованием ЭЦП. Код документа: mtVzB3uuA8nNnwDH5IT9

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

SQB insurance
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	**НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА**	
	Полное:	SQB insurance sug'urta kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	SQB insurance
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	**КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ**	
	Местонахождение:	Город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, проспект Мустакиллик, дом 5
	Почтовый адрес:	Город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, проспект Мустакиллик, дом 5
	Адрес электронной почты:	info@sqbinsurance.uz
	Официальный веб-сайт:	https://sqbinsurance.uz
3.	**ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ**	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	годовое

Дата проведения собрания:	16.06.2026
Дата составления протокола собрания:	16.06.2026
Место проведения собрания:	Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси.
Кворум собрания:	100,00

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	1. ““SQB Insurance” СК” АЖ ижро органининг 2025 йил жамият фаолиятининг натижалари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
2	2. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2025 йил якуни бўйича йиллик молиявий ҳисоботлари ва бухгалтерлик балансларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
3	3. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
4	4. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти томонидан қўшимча акциялар чиқариш тартибини кўриб чиқиш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
5	5. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти томонидан қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0

6	6. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2026 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини аниқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
7	7. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти томонидан 2025 йилда амалга оширилган инвестициялар бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
8	8. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
9	9. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0
10	10. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоларини, жумладан мустақил аъзосини сайлаш ҳамда ““SQB Insurance” СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш	100,0	84 936 600	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием

1	1. ““SQB Insurance” СК” АЖ Ижро органининг (А.Халиловнинг) 2025 йил жамият фаолиятининг натижалари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ қабул қилинсин ҳамда жамият ижро органининг фаолияти ижобий деб баҳолансин. 2. Жамият ижро органи (А.Халилов)га қуйидаги вазифалар юклатилсин: - 2026 йил учун молиявий режада белгиланган кўрсаткичдан кам бўлмаган миқдорда суғурта мукофотлари тушумининг ижросини таъминлаш бўйича зарурий чоралар кўриш; - суғурта портфелини диверсификациялаш, жумладан қалтисликларни қайта суғурталаш орқали қайта тақсимлаш; - халқаро суғурта ва қайта суғурта компаниялари, брокерлари билан ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш; - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан боғлиқ бўлмаган бошқа лойиҳалар, жумладан қайта суғурталаш, шахсий ва мажбурий суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари тушумини ва улушини ошириш; - жамият суғурта портфелида молиявий қалтисликлар бўйича жавобгарлиги улушини камайтириш чораларини кўриш; - жамият бизнес-жараёнларида ахборот технологияларини ривожлантириш ва банк мобил иловаси орқали суғурта маҳсулотларининг кросс-сотувини кенг йўлга қўйиш; - халқаро қайта суғурталаш бозорларига кириш бўйича амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш; - 2026 йил учун белгиланган соф фойда режа кўрсаткичининг ижросини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш.
2	1. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг аудиторлик текшируви якунига кўра, “Tax Biznes Audit” аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим қилинган ижобий хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин. 2. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича: - бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) асосида тузилган йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 2-иловага мувофиқ, - молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида тузилган молиявий ҳисоботлари 3-иловага мувофиқ қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

3	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-108-сонли қарорига мувофиқ, суғурта компанияларининг устав фондига (устав капиталига) қўйилган минимал талаблар 2025-2029 йилларда суғурта фаолият турларига боғлиқ ҳолда босқичма-босқич оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. 2. Жамият Кузатув кенгаши томонидан жамият бизнес режа кўрсаткичларининг бажариш юзасидан амалга оширилган ишлари, кўрилган масалалари маълумот учун қабул қилинсин. 3. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг устав фонди (устав капитали) 120 000,0 млн. сўмга босқичма-босқич олинган соф фойда ва кейинги йилларда олинадиган соф фойданинг бир қисмини йўналтириш орқали ошириш таклифи Жамият Кузатув кенгаши (03.04.2025 йилдаги АО 03/2025-сонли баённомаси,), Банк инвестиция қўмитаси (23.05.2024 йилдаги 8-сонли баёни), Банк Бошқаруви (27.05.2024 йилдаги 284-сонли Банк Бошқарув қарори) ва Банк Кузатув кенгаши (13.06.2024 йилдаги 2024/10-сонли баённомаси) томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. 4. ““SQB Insurance” СК” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича олган 22 618 707 461 (йигирма икки миллиард олти юз ўн саккиз миллион етти юз етти минг тўрт юз олтмиш бир) сўм 19 тийин ва аввалги даврларнинг тақсимланмаган фойдаси 593 388 798 (беш юз тўқсон уч миллион уч юз саксон саккиз минг ети юз тўқсон саккиз) сўм 59 тийин қуйидагича тақсимлансин: - жамият Уставининг 9.4-бандига мувофиқ, 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 5% (беш фоизи), яъни 1 130 935 373 (бир миллиард бир юз ўттиз миллион тўққиз юз ўттиз беш минг уч юз етмиш уч) сўм 06 тийинни жамиятнинг заҳира фондига йўналтирилсин; - соф фойданинг бир қисми 17 881 389 473 (ўн етти миллиард саккиз юз саксон бир миллион уч юз саксон тўққиз минг тўрт юз етмиш уч) сўм 68 тийинни, дивидендлардан даромад солиғи 5%ни ҳисобга олган ҳолда устав фондини (устав капиталини) оширишга (капитализацияга) йўналтирилсин. Бунда, соф фойдадан 894 069 473 (саккиз юз тўқсон тўрт миллион олтмиш тўққиз минг тўрт юз етмиш уч) сўм 68 тийин миқдорида дивиденд солиғини тўлашга ва 16 987 320 000 (ўн олти миллиард тўққиз юз саксон етти миллион уч юз йигирма минг) сўмни қўшимча акциялар чиқариб, Ягона акциядор - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга ёпиқ обунада 100% жойлаштириш, қўшимча акциялар ҳақи сифатида қабул қилган ҳолда Жамият устав фондини (устав капиталини) оширишга (капитализацияга) йўналтирилсин; - 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойда ва аввалги даврларнинг тақсимланмаган соф фойдасининг бир қисми 2 600 000 000 (икки миллиард олти юз миллион) сўмни, дивиденддан 5% миқдорида даромад солиғини ҳисобга олган ҳолда Ягона акциядорга пул кўринишида дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Бунда, соф фойдадан 130 000 000 (бир юз ўттиз миллион) сўм амалдаги қонунчиликка мувофиқ дивиденд солиғини тўлашга ва 2 470 000 000 (икки миллиард тўрт юз етмиш миллион) сўм миқдорида Ягона акциядор – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга пул шаклида дивиденд тўлашга йўналтирилсин; Дивиденд тўлови пул маблағлари кўринишида мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун ичида амалга оширилсин. - жамият Уставининг 12.19-бандига, ““““SQB Insurance” СК” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга кўра, соф фойдадан 100 000 000 (бир юз миллион) сўмни Жамиятда Кузатув кенгаши аъзоси бўлган ҳамда ҳозирги вақтда Ягона акциядорда меҳнат фаолиятини давом эттираётган Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга 4-иловага мувофиқ йўналтирилсин; - жамият ходимларини моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида, соф фойданинг 1 450 000 000 (бир миллиард тўрт юз эллик миллион) сўм миқдорини жамият ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилсин. Бунда мазкур маблағ жамиятда 2025 йил давомида ишлаган ҳамда ҳозирги вақтда жамиятда меҳнат фаолиятини давом эттираётган ходимлар ўртасида 2025 йил давомида ҳисобланган ойлик маоши миқдорини коэффициентга кўпайтириш орқали ҳисоблаб рағбатлантиришга йўналтирилсин. Солиқлар Жамиятнинг жорий йил ҳаражатлари ҳисобидан амалга оширилсин; - қолган 49 771 413 (қирқ тўққиз миллион етти юз етмиш бир минг тўрт юз ўн уч) сўм 04 тийин

4	““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 16 987 320 000 (ўн олти миллиард тўққиз юз саксон етти миллион уч юз йигирма минг) сўмлик номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 16 987 320 (ўн олти миллион тўққиз юз саксон етти минг уч юз йигирма) дона қўшимча оддий акциялар чиқарилсин ҳамда қуйидаги тартиб ва шартларда жойлаштирилсин: - ушбу чиқарилишдаги акциялар ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “O’zbekiston sanoat-qurilish banki” акциядорлик тижорат банкига ёпиқ обуна усулида тўлиқ 100% жойлаштирилади; - мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун ичида жойлаштирилади. - жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун. - жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг охирги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб, 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги лозим. - ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори - “O’zbekiston sanoat-qurilish banki” акиядорлик тижорат банкига ёпиқ обуна усулида тўлиқ жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштиришда ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда биржадан ташқари уюшмаган бозорда амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган. - ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: акциялар номинал қийматида жойлаштирилади. - акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олган соф фойдаси ва аввалги йилларнинг тақсимланмаган соф фойдасининг бир қисми ҳисобидан бухгалтерлик балансида тегишли ўтказмалар орқали амалга оширилади. - ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерлик балансида тегишли ўтказмалар орқали 10 (ўн) кун ичида қайтарилади.
5	1. Жамиятнинг қўшимча акция чиқариш ва жойлаштириш шартларини инобатга олган ҳолда, ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiнинг қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги Қарори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Жамият Бош директори А.Халилов зиммасига ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiнинг қўшимча акцияларини чиқарилишини белгиланган тартибда ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказишни таъминлаш юклатилсин.
6	1. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ, жамият томонидан 2026 йил учун халқаро ва миллий аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан аудиторлик ташкилотини белгилаш бўйича ўтказилган танлов маълумот учун қабул қилинсин. 2. Жамиятнинг 2026 йил бўйича молиявий ҳисоботларини халқаро ва миллий аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича танлов ғолиби - «BMM-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдорининг юқори чегараси 40 000 000 (қирқ миллион) сўм деб белгилансин ҳамда амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ шартнома тузилсин. 3. Ижро органига (А.Халиловга) ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2026 йил молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ўтказиш бўйича зарур шароитларни яратиш вазифаси юклатилсин.

7	1. Жамиятнинг 2025 йил инвестиция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. 2. Ижро органнига (А.Халиловга) жамият томонидан амалга оширилаётган инвестиция фаолиятини 2026 йил учун жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Инвестиция сиёсатига мувофиқ амалга ошириш ҳамда инвестиция фаолиятидан белгиланган даромадларни таъминлаш вазифаси юклатилсин.
8	1. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти ижроия органи - Бош директори Халилов Абдулазиз Абдушукурович билан тузилган меҳнат шартномаси уч йил муддатга узайтирилсин. Тегишли хужжатларни имзолаш ваколати Жамият Кузатув кенгаши Раисига берилсин. 2. А.Халилов ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти ижроия органи функцияларини жамият Устави, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва жамиятнинг ички норматив хужжатларига мувофиқ амалга оширсин ҳамда унга тўланадиган ҳақлар ва уларнинг энг юқори миқдорлари бир йил учун базовий ҳисоблаш миқдорининг уч минг баробари миқдорида белгилансин ва амалга оширилсин.
9	1. ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiнинг ташкилий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Ижроия органига (А.Халилов): - мазкур ташкилий тузилмага мувофиқ, ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiнинг Марказий аппарати ва филиаллари штат жадвалларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш вазифаси юклатилсин. - мазкур ташкилий тузилма ва ходимларнинг чекланган сони доирасида жамият фаолиятида зарурият туғилганида штат жадвалларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.
10	1. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари, жумладан жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Саида Шеризатовна Джарболова 8-иловага мувофиқ уч йил муддатга сайлансин. 2. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мазкур таркиби жамиятнинг Ягона акциядори томонидан Кузатув кенгашининг янги таркиби сайлангунга қадар ўз фаолиятини юритиши белгилансин. 3. Ижро органи томонидан тақдим қилинган ““SQB Insurance” СК» АЖ Бошқарув органлари ва Ички аудит хизмати ходимларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низом 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Начисленные и выплаченные вознаграждения и (или) компенсации в пользу членов исполнительного органа, наблюдательного совета и ревизионной комиссии эмитента:***

№	Ф.И.О.	Наименование органа эмитента, членом которого является лицо	Вид выплаты (вознаграждения и (или) компенсация)	Начисленная сумма (сум)	Период, за который начислены средства	Документ, в котором предусмотрена выплата

1	Эргашев Анвар Абдумажитович	Член наблюдательного совета	reward	20 000 000	2025 год	очередное собрание единственного Акционера №AJ01/2026 от 16.06.2026г.
2	Садиров Дурбек Мелийжонович	Член наблюдательного совета	reward	20 000 000	2025 год	очередное собрание единственного Акционера №AJ01/2026 от 16.06.2026г.
3	Санжаров Сирожиддин Дилшод ўғли	Член наблюдательного совета	reward	20 000 000	2025 год	очередное собрание единственного Акционера №AJ01/2026 от 16.06.2026г.
4	Хакимов Абдурашид Бахром ўғли	Член наблюдательного совета	reward	20 000 000	2025 год	очередное собрание единственного Акционера №AJ01/2026 от 16.06.2026г.
5	Мажидов Абдулазиз Абдурахимович	Член наблюдательного совета	reward	20 000 000	2025 год	очередное собрание единственного Акционера №AJ01/2026 от 16.06.2026г.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Халилов Абдулазиз Абдушукурович
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Есенкулова Камила Куттибаевна
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Бобомуродов Шокир Тангирович

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/14123
Дата загрузки с портала: 17.06.2026
Дата подписания: 17.06.2026

SQB INSURANCE SUG`URTA KOMPANIYASI AJ
Direktor

XALILOV ABDULAZIZ ABDUSHUKUROVICH